

Оқилона жавоб



19:00 / 12.07.2022 5484

Бир куни бир яҳудий келиб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан маъсият (ирода) ҳақида сўради.

- Маъсият ёлғиз Аллоҳникидир, - дедилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам.

- Сен шундай деяпсан, аммо агар мен туришни хоҳласамгина тураман, - деди яҳудий.

- Сен ўрнингдан турасан, бироқ Унинг ирода ва истаги билан турасан.

- Хоҳласам, ўтираман ҳам.

- Аллоҳ истаган бўладики, ўтирасан, - дедилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам.

- Мен истасам, шу хурмо дарахтини кесаман.
- Аллоҳ истаган бўлса, кесасан.
- Хоҳламасам, кесмайман, - деди яҳудий.
- Аллоҳ кесмаслигини истаган бўладики, кесмайсан.

Шу асно Жаброил алайҳиссалом тушиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга:

- Сиз ҳам Иброҳим алайҳиссалом каби рақибингизни Аллоҳнинг ёрдами билан мот қилдингиз, - дедилар.

Шунда:

“Сизнинг бирон-бир хурмо дарахтини кесишингиз ёхуд уни кесмай ўз поясида қолдиришингиз Аллоҳнинг изни-иродаси биландир. Аллоҳ йўлдан адашган (фосиқ-итоатсиз) кимсаларни ана шундай уялтириб, расво этар” (Ҳижр сураси, 5-оят) мазмунидаги ояти карима нозил бўлди.

“Қалбимизнинг нури” китобидан